



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

**Мақтабгача таълим вазирлиги тасарруфидаги педагогика коллежлари учун ўқув адабиётларни яратиш бўйича муаллифлар гуруҳини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда мактабгача таълим вазирлиги тасарруфидаги педагогика коллежлари учун илғор хорижий тажрибаларидан фойдаланиб янги авлод ўқув адабиётларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликдаги педагогика коллежларининг “Мақтабгача таълим” йўналиши бўйича илғор хорижий тажрибаларни инobatга олиб замонавий таълим ва инновацион технологиялар талаблари асосида ўқув адабиётларни яратиш бўйича муаллифлар гуруҳи 1-иловага;

педагогика коллежлари учун яратиладиган ўқув адабиётларга қўйиладиган талаблар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мақтабгача таълим вазирлиги “Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси” (Ш.Камолов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси” (С.Ниязбеков) муаллифларга ўқув адабиётларини яратиш учун шарт шароитлар яратсинлар.

3. Муаллифлар гуруҳи томонидан ўқув адабиётларни яратиш ва дастлабки экспертизадан ўтказишга тақдим этиш муддати 2021 йил 30 июлгача этиб белгилансин.

4. Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти (К.Эшпулатов)га 2021 йил июль ойида муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган ўқув адабиётларини дастлабки экспертизадан ўтказиб, Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгаши муҳокамасига тақдим этсин.

5. Мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари (Қ.Олимов) 2021 йил сентябрь ойигача бўлган муддатда Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган ўқув адабиётларини чоп этиш ва педагогика коллежларига тақдим этиш чораларини кўрсин.

6. Мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари (Қ.Олимов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари (У.Бегимкулов) ўқув адабиётларни яратишда самарали меҳнат қилган, фидоий муаллифларни рағбатлантириш бўйича вазирга таклиф киритсинлар.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари Қ.Олимов ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари У.Бегимкуловлар зиммасига юклатилсин.

Мактабгача таълим вазири

Тошкент ш.,

2021 йил “30” апрель,  
7 -сон



А. Шин

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Тошкент ш.,

2021 йил “30” апрель,  
35-~~41~~ -сон



А. Тошқулов



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MAKTABGACHA TA'LIM  
VAZIRLIGI**

**GUVOHNOMA**

**Toshkent shahri**

# O'QUV ADABIYOTINING NASHR RUXSATNOMASI

O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligining  
2021 yil "9" fevral dagi "1" - sonli bayoniga  
asosan

Q.T.Olimov, F.H.G'affarov, D.A.Sayfullayeva

(Muallifning familiyasi, ismi-sharifi)

A.Yu.Isakov, O.E.Azizov

(ta'lim yo'nalishi mutaxassisligi)

Pedagogika kollejlari

ning

talabalari (o'quvchilari) uchun tavsiya etilgan

Innovatsion ta'lim texnologiyalari

(O'quv adabiyotining nomi va turi: darslik, o'quv qo'llanma)

o'quv qo'llanma

ga

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan  
litsenziya berilgan nashriyotlarda nashr etishga ruxsat  
berildi.

Vazirning  
birinchi o'rinbosari  Q.T.Olimov

Ro'yxatga olish raqami 1-17/2021

